O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 10 апрель, № 69 (4222) Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган 463—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11—12, 295-модда) **4.4-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» деган сўзлар «Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 9 апрель
№ ЎРҚ — 87

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда бобомиз Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги кенг нишонланаётир. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбонда бўлиб ўтди.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари йиғилдилар.

Тадбирда Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, кураш бўйича 2006 йилги жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти аспиранти Шерзод Мирзанов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий стипендияси соҳибаси Севинч Улашева мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш, халқимизни уларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Соҳибқирон улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шиорига айлантирган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, адолат, мурувват, саховат каби эзгу ва олижаноб амаллар ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, фаолиятимизнинг бош мезонига айланди. Бу жиҳатлар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда ўзининг янада кенг ифодасини топмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Люсьен Керен:

«МЕН ЎЗ УМРИМНИ ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАДИМ»

Люсьен Кереннинг номи Амир Темур династияси тарихини ўрганувчи олимлар орасида алоҳида ўрин тутади. Мана, 35 йилдан зиёд вақт давомида у буюк саркарда ва давлат арбоби ҳамда соҳибқирон сулоласининг инсоният цивилизацияси ривожидаги ўрни ва аҳамиятини синчиклаб ўрганиб келади.

Бу давр мобайнида олим Амир Темур ва унинг династиясига бағишланган бир неча китоб, ўнлаб илмий ва публицистик мақолалар ёзди, Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш Франция уюшмасига асос солди ва уни бошқариб келмоқда. У, шунингдек, Франция пойтахтида нашр этиладиган «Темурийлар» журналининг муҳаррири ҳисобланади.

Ўзбек халқининг буюк бобокалони таваллудининг 671 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасига машҳур олимдан мактуб келди. Унда Люсьен Кереннинг Амир Темур ҳаёт йўли ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

«1336 йил апрелида ҳозирги Шаҳрисабздан узоқ бўлмаган жойда бир инсон дунёга келди, у ўз даври тарихи ҳамда Осиёдан Европага қадар бўлган халқлар тарихини ўзгартириб юборди, — деб ёзади Л.Керен. — Афсуски, Амир Темурнинг болалиги ҳақида маълумотлар жуда кам. У 18 ёшидан бошлаб доимо бир-бири билан низода бўлган қабилалар етакчиларига хизмат қилди. Жўшқин кучқувват, ўткир ақл, киши эътиборини ўзига жалб этадиган қобилияти билан Амир Темур замондошларини ҳайратга солар эдики, у ўзининг Моваро‌ун‌наҳр етакчиси, деб тан олинишигача эришди. Бу воқеа 1370 йили рўй берди. Темур ўз давлатининг пойтахти этиб Самарқандни танлади ва бу шаҳарни жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида тарих зарварақларига муҳрлашга ўзининг бутун умрини сарфлади.

34 ёшида ҳокимият тепасига келгач, Темур кейинги 35 йиллик умрини ўз давлатини иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлашга бағишлади. Бу йиллар давомида у ўша даврнинг қудратли қўшинлари — мамлуклар, яничарлар, мўғуллар, қипчоқлар, ҳиндлар ва бош-

(Давоми 2-бетда).

ЭНГ ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

Албатта, бу эътироф бежиз билдирилмаяпти. Негаки, ўтган қисқа давр ичида миллий авиакомпаниямизда беқиёс янгиликлар юз берди. Юқори малакали мутахассислар, замонавий техникалар, компьютерлашган хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш тизими, сўнгги русумдаги ҳам тежамкор, ҳам хавфсиз самолётлар буларнинг бари — миллий авиакомпаниямизнинг дунё бозорида ўз ўрнини эгаллашига имкон яратди.

Шуни ғурур билан таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган авиалайнерлар бугун жаҳоннинг йигирмадан ортиқ давлатига — Ер куррасининг деярли барча минтақаларига парвоз қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида авиакомпания томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ташилгани ҳам унинг муваффақиятларидан далолат. Ҳозирги вақтда парвозларнинг деярли барчаси замонавий «Боинг-757 /767», «А 310», «Rj-85» ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» ҳаво лайнерларида амалга оширилмоқда. Уларни эса юқори малакали, халқаро сертификатларга эга учувчилар бошқармоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялашга ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари олдига алоҳида вазифалар қўяди. Бу вазифалар энг аввало кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ манзилли бўлишидан, чинакам эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатишдан, бунда ижтимоий адолат, холислик ва ошкораликка риоя этишдан иборатдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга, унинг турмуш даражаси ва фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бориши тамойилини мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсдаги давлат сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга ошириш кўп жиҳатдан маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг ташаббускорлигига, ўз олдиларида турган вазифаларни аниқ билишларига, депутатлар корпусининг ўз куч-ғайратини асосий йўналишда жамлай олиши ва тажрибасига, қўйилган мақсадга қатъият билан эришишига боғлиқдир.

Тошкент вилоятида ўтказилган семинар иштирокчилари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажарищ билан боғлиқ мана шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилиб, эҳтиёжманд оилаларга, ногиронларга, ёлғизлар ва қарияларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ушбу мақсадларга бюджет маблағларинигина эмас, балки хусусий шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб ташкилот ва корхоналарнинг ихтиёрий хайрияларини ҳам жалб этиш чора-тадбирларини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

Семинар қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссияларига ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқароларга мўлжалланган интернат-уйларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг, саломатликни тиклаш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, ижтимоий муассасалар ходимларининг меҳнат шароитини ва уларга ҳақ тўлашни яхшилашни назорат остига олишни таклиф қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар депутатлар корпусини фаоллаштириш, фуқаролар қабулини ва депутатлар ҳисоботларини бевосита маҳаллаларда ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Бу ишларнинг амалга оширилиши депутатларни сайловчилар билан янада яқинлаштиради, оилалардаги ижтимоий муаммоларни аниқ билишга, уларни доимий комиссияларда ўз вақтида муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилишга ва зарур ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларига олиб чиқишга имкон беради.

Семинар иши якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Семинарда халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, доимий комиссиялари раислари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари, айрим маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат бўлимларининг мудирлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари вилоят бошқармаларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш — олий қадрият» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

САЛОМАТЛИК МУҲОФАЗАСИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мазкур қўмита раиси И.Насриев кириш сўзи билан очган анжуманда истиқлол йиллари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Жумладан, ўтган давр ичида мазкур тизимнинг ҳуқуқий - меъёрий базаси мустаҳкамланди ва бирмунча такомиллаштирилди.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимидаги муносабатлар Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги, 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, ўндан зиёд қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг олтмишдан ортиқ қарорлари билан тартибга солинган.

Шу билан бирга, айни вақтда тизимда вужудга келган янги муносабатларни тартибга солиш масалалари долзарб бўлиб турибди. Тадбирда муҳокама этилган "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонун лойиҳаси айнан шу мақсадларга қаратилганлиги қайд этилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан қуйи палата депутати З.Ботирова мазкур қонун лойиҳасининг моҳияти ва мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг келажакда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда миллатимиз соғлом бўлишини таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди.

С. ДОНИЁРОВ.

ПОКИЗАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Менинг уйим — менинг мулким

Жамоат транспортида кўп ажаб ҳодисалар юз беради: кимдир шовқин кўтариб ёнидаги ҳамроҳи билан суҳбатлашган, яна кимдир қайнонасидан ёки келинидан шикоят қилган. Бирин-кетин тинимсиз жиринглаган уяли қўл телефонларидаги антиқа саволжавобу суҳбатларни қўяверинг. Эҳтимол, автобусда таниш-билишлар бордир, гапларимизни эшитишса, яхши бўлмас, деган ўй хаёлларига ҳам келмайди. Салонда тик туриб кетаётган 5-6 нафар қиз эса тинмай писта чақишади. Эгниларида энг сўнгги урфдаги кийим-бошлар. Бўйниларига «сотка» осиб олишган. Бир пайт улар автобус ойнасини очиб, қўлларида тўпланган писта пўчоқларини кўчага улоқтирмоқчи бўлишди. Бироқ қарши томондан эсган шабада ичкарига қайтарган пўчоқлар ойна тагидаги ўриндиқда ўтирган икки нуронийнинг бошлари, елкалари узра тўкилди. Қизлар эса хижолатлик билан узр сўраш ўрнига «Нима бўпти, осмон узилиб ерга тушибдими?», деган маънода бир-бирига истеҳзоли қараб қўйишдан нарига ўтишмади. Шунда уларни кузатиб турган ўрта ёшли бир аёл ўзини тутолмай, қизлардан аччиқ билан сўради: «Сенларга ким тарбия берган ўзи, ота-онанг борми? Олифталикларинг оламни бузади-ю... фаросатдан бермаган экан-да. Нима, уй ичидаги ахлатни деразадан пастга ташлаб ўрганганмисизлар?».

Шу воқеадан бирор ҳафта ўтиб, Учтепа туманидаги Бешқайрағоч даҳасига бордим. Даҳанинг Бешқайрағоч кўчасида жойлашган 21-уйнинг орқа томони турли чиқиндилар билан тўла. Шунда беихтиёр автобусдаги аёлнинг гапини эсладим. Наҳотки, бу уйдаги хонадонлардан кераксиз нарсалар пастга улоқтирилаверса? Қизи, келини, ўғли ва набирасининг деразадан ахлат ташлаётганини ота-оналар кўрмаётганмикин? Мазкур уй рўпарасида жойлашган болалар боғчаси олдидаги ахлат уюми ҳам таъбни хира қилади. Маълум бўлишича, аввало бу ердаги тўртта «дом»да (21-24) яшовчилар-у, яқин атрофдаги маҳалла аҳли қиларкан бу ишни.

— Нимасини айтасиз, — дейди шу туманнинг «Ўткир» маҳалласидаги Н.Хўжаев кўчаси 111-хонадонда истиқомат қилувчи Маҳбубахон Исмоилова. — Аксарият кўп қаватли уйларда яшовчилар остонасидан нарини ўйлашмайди, шекилли. Уй ичи тоза бўлса бўлди, уларга. Куни кеча Абу Али ибн Сино номидаги 1-клиник шифохона қаршисида жойлашган кўп қаватли уйлар томонга йўлим тушиб қолди. Ўртадаги очиқликда ахлат тўлиб ётибди.

(Давоми 2-бетда).

Урганч шаҳрида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг республика семинари бўлиб ўтди.

ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Унда партиянинг аҳоли ўртасидаги мавқеи ва унинг аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партиянинг вилоят кенгашлари раислари, фаоллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарни ушбу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Х.Дўстмуҳамедов бошқарди.

Ҳозир Хоразм вилоятида «Миллий тикланиш» партиясининг 2,5 мингга яқин аъзоси бўлиб, улар 155 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Партия аъзолари жойларда, хусусан, олий ўқув юртлари, коллеж ва мактабларда миллий ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилиш, Президентимиз сиёсатини халқ оммасига сингдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришда ҳам фаол иштирок этишаяпти.

Семинарда партиянинг Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани кенгашлари ва бир қатор бошланғич ташкилотларининг фаолияти мисолида ташкилий ва мафкуравий-маънавий ишларни янада фаоллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

О.РАҲИМОВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, Соҳибқирон таваллудининг 671 йиллик тантаналари Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига уланиб кетишида рамзий маъно мужассам. Зотан, Амир Темур ва темурийлар даврида ушбу шаҳарда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаган. Рўйи заминмин сайқалига айланган Самарқанд жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган маънавият ва маърифат бешиги сифатида дунёда шуҳрат қозонган.

Тантана иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Самарқанд дурдоналари» мавзуидаги кўргазма очилди. Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада шаҳарсозлик, меъморчилик тарихига оид юзга яқин нодир экспонат намойиш этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Болалар овқатланиши масалалари ва овқатланиш борасида интеграциялашган стратегияни ривожлантириш йўлларини мувофиқлаштиришга бағишланган ушбу тадбирда тегишли вазирликлар, халқаро, жамоат ва ёшлар ташкилотлари ходимлари қатнашдилар.

Умрбоқийлик сири

■ Ҳар қандай давлат ва жамият тақдири келажак авлодга боғлиқ. Шунинг учун ҳам болаларни ёшлигидан тўғри ва тўйдириб овқатлантиришнинг аҳамияти катта. Тўйиб овқатланмаслик ақлий ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Дунёнинг қатор мамлакатларида рўй бераётган бундай нохуш ҳолатларни бартараф этишда халқаро ҳамкорлик айни муддаодир. Бу ҳақда йиғилишда сўзга чиққан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссаини билан Жаҳон банкининг юртимиздаги ваколатхонаси директори Луи Брефорт батафсил тўхталиб ўтдилар.

Озиқ-овқатларни А витамини, микронутриентлар билан бойитиш ва тузни йодлаш бугун республикамизда кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Натижада болалар ва ҳомиладор аёллар организмида темир моддаси танқислиги туфайли юзага келадиган анемия, яъни камқонлик касаллиги камайиб бораётир. Маълум бўлишича, темир моддаси ва фолий кислотаси билан бойитилган ун нафақат анемия, балки юрак хуружига ҳам шифо бўлар экан.

Йиғилиш доирасида овқатланиш масалалари бўйича халқаро маслаҳатчи Жек Багрянски тақдимот ўтказди.

Қ. ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Италия бизнес форуми

■ Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон — Италия савдо палатаси ҳамкорлигида бизнес-форум ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш борасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Форумда сўзга чиққан Италия савдо палатаси президенти Луижи Иперти Самарқанд ва Рим жуда қадимий шаҳарлар эканлиги, уларда тадбиркорлик, ҳунармандчилик азалдан ривожланганлигини, бугун эса бу кўҳна шаҳарлар ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун касб этаётганлигини таъкидлади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўрткўлнинг ўз «Акпа»си бор

Қорақалпоғистоннинг йирик шаҳарларидан бири Тўрткўлда ҳунармандчилик, мебель саноати тез ривожланмоқда.

■ Шаҳардаги «Коинот» фирмаси замонавий «Акпа» эшик ва дераза ромларини ишлаб чиқара бошлади.

— Ҳар ойда 10-11 миллион сўмлик маҳсулот сотмоқдамиз, — дейди фирма раҳбари Улуғбек Матёқубов. — Илгари ҳамшаҳарларимиз бу ромлар учун 170 километр масофани босиб, Нукусга бориб келишарди. Келгусида маҳсулотнинг янги-янги хилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аёлга таъзим

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Меҳр" бирлашмаси ўзаро ҳамкорликда "Оммавий ахборот воситалари ва Гендер тенглиги" мавзуида анжуман ўтказди.

■ Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик тизимларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари мавзуини ёритишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Уларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлашга катта эътибор берилди.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ПОКИЗАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ачимсиқ ҳидга тоқат қилиб бўлмайди. Уйдан чиқиб келаётганлар эса башанг кийинишган, қўлларида машина калити. Ташқи кўринишидан зиёли одамларга ўхшашади...

Суҳбатимизга Собир Раҳимов туманидаги «Тараққиёт» маҳалласида истиқомат қилувчи Мавлудахон Сулаймонова қўшилади:

— Тозалик ва ораталик масаласи маҳаллаларда анча яхши йўлга қўйилган. Эрта тонгда кўчамизга чиқсангиз, дарвозаси олдига сув сепиб супураётган келинлар-у қизларга кўзингиз тушади. Ҳамма ёқ чиннидек топтоза. Мабодо бирорта хонадоннинг кўча эшиги олди супурилмай қолса, ўша оила аёллари кун бўйи қўшниларга кўрингани уялишади. Ҳовлилар ва кўчалардан тўпланган чиқиндиларни белгиланган жойга олиб бориб тўкамиз. Лекин ана шу жой 133-умумтаълим мактаби ёзги спорт майдонининг нақ биқинида жойлашган. Илгари у ерга иккита темир яшик ўрнатилган эди. Ҳозир биттаси бор, холос. Иккинчиси негадир синиб кетган. Кўпчилик чиқиндиларни яшик ичига эмас, унинг атрофига ёйиб тўкиб кетишади. Ҳар куни келадиган ахлат машинасига вақт топишнинг иложи бўлмаса, чиқиндиларни елим халталарга жойлаштириб, оғзини бойлаб қўйиб кетиш мумкин эмасми? Энди тасаввур қилинг: бир томонда ўқувчилар спорт билан шуғулланса-ю, иккинчи томонда ахлат бижғиб ётса...

Чиндан ҳам, кейинги пайтларда ҳовлисидан чиққан чиқиндиларни кўча-кўйга ва тўғри келган жойга ташлаб кетувчилар кўпайиб қолган. Яқинда бир новвой тандирнинг иссиқ кулини ҳам кўчага ташлаган. Шу атрофда ўйнаб турган болалардан бири билмасдан уни босиб олиб, оёғи куйгач, шифохонада даволанишига тўғри келди. Бу ҳақда сўрасангиз, жойларда ахлат ташлаш учун яшик ўрнатилмаганлиги ва ахлат машинасининг маълум вақтда келмаслигини рўкач қилишади.

— Тозалик ва ораталик жиддий эътибор талаб қилади, — дейди «Махсустранс» хизматининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Бахтиёр Мамадалиев. — Бу борада одамларнинг ўзларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Масалан, чиқинди ташланадиган темир идишлар авайлаб сақланмайди. Уни ўғирлаб кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу ўша ҳудудда яшовчиларнинг масъулиятсизлигини кўрсатмайдими?

Тошкент шаҳрида 1800 дан ортиқ уй-жой мулкдорлари ширкати ва 470 мингта хонадон бор. Ахлат машинаси ўз вақтида бориши учун мазкур ширкатлар бизнинг ташкилот билан шартнома тузишлари керак. Афсуски, уларнинг атиги 20 фоизигина бу ишни амалга оширган, холос. Оқибатда одамлар дуч келган ерга чиқинди тўкиб кетишмоқда. Мактаблар ва боғчалар билан шартнома шаҳар ёхуд туман халқ таълими бўлимлари орқали тузилади. Айни кунларда турли ташкилот ва идоралар билан шартнома тузишга урониб ётибмиз. Тез орада яхши натижаларга эришамиз, деган умиддамиз.

Шу ўринда бир нақл ёдимга тушиб кетди: қадимда бир кекса киши маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча юриб, чиқинди эвазига турли матолар бераман, деб жар солибди. Бироқ хонадонлар ва кўчадан бир ҳокандозча бўлса ҳам чиқинди чиқмабди. Негаки, момоларимиз нафақат уй ичини, балки ҳовли, кўча, дарвоза олдини ҳам озода тутишган. Улар сувга ахлат ташлаш тугул ҳаттоки туфлашни ҳам гуноҳ билганлар. Барча расм-русумларда тозаликка катта эътибор беришган ва озодалик кишини турли нохушликлардан асрашига қаттиқ ишонганлар.

«Қиз бола туғилганда супургилар қувонар экан, — дея болалигимиздан қулоғимизга қуйишарди Ражаб ва Ойимхон бувиларим. — Чунки қизлар бор оилада тозалик, озодалик, сариштали ва гўзаллик яшайди. Тутуми озода ва покиза хотин-қизларнинг остонаси, кўчаси, ҳовлисининг теварак-атрофи ҳамиша ярақлаб туради, болам. Унга кўзи тушган одамнинг бахридили очилиб, кўнгли обод бўлади».

Остонаси ярақлаган уй. У бизнинг кимлигимизни кўрсатиб тургувчи кўзгудир. Шуни унутмасак бўлгани. Чунки ораталик дид-фаросат, одоб-ахлоқ, маънавият ва маданиятнинг бир кўринишидир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭНГ ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янги авлод техникасини эксплуатация қилишни нафақат учувчилар, балки авиакомпаниянинг техник мутахассислари ҳам ўзлаштирдилар. Республикамиз аэропортлари тўлиқ модернизация қилинди, ҳатто бир қатор аэропортлар халқаро мақомга эга бўлди.

Мураккаб авиация техникасидан фойдаланиш парвозларни бошқаришнинг энг янги тизимини ташкил этишни тақозо қилади. 1996 йилда «Тошкент» халқаро аэропортида ҳаводаги ҳаракатларни бошқаришнинг автоматлаштирилган маркази ишга тушди. Энг замонавий диспетчерлик ускуналари билан жиҳозланган ушбу тизим барча халқаро талабларга жавоб беради.

Табиийки, парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш — Миллий авиакомпаниянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу иш билан барча хизматлар, жумладан, МДҲда ягона бўлган «Ўзаэронавигация» маркази шуғулланмоқда. Мазкур марказ республикадаги барча аэропортларнинг ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш тизимларини ўзида жамлаган.

Бугунги кунда халқаро авиахизмат бозорида рақобат кун сайин кучайиб бормоқда. Бу бозорда ҳаво кемаларини ўз вақтида янгилаб, янги бошқарув тизимларини жорий этадиган, йўловчилар хавфсизлиги ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаб борадиган авиакомпанияларгина муносиб ўрин эгаллайди. Миллий авиакомпаниямиз бу талабларга тўла жавоб беради. Ўтган йили Урумчи (Хитой) ва Лаҳор (Покистон) йўналишларига авиақатнов йўлга қўйилди. Жорий йилда мамлакатимиз аэропортларидан Симферополь, Санкт-Петербург, Қозон шаҳарларига қатновлар сонини ошириш ҳамда бошқа чет мамлакатларга янги йўналишлар бўйича парвозларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Самарқанд-Бухоро-Урганч сайёҳлик маршрутини очиш ҳам келгуси режалардан ўрин олган.

Ф.САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Люсьен Керен:

«МЕН ЎЗ УМРИМНИ ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАДИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

қалар устидан ғалаба қозонди. Темур юздан зиёд жанг олиб борган бўлса, уларнинг бирортасида ҳам мағлуб бўлмади. У ўз қўшинларини минг километрлаб олга бошларди ва хоҳ йўлда, хоҳ жанг майдонида бўлсин, у ҳамиша жангчилари орасида эди. Амир Темур ўз даврининг энг кучли ва талантли саркардаси бўлиб етишди.

Шу билан бирга, Темур нафақат музаффар ҳарбий саркарда, балки узоқни кўра биладиган ташкилотчи, нозиктаъб дипломат ҳамда катта бунёдкорлик иқтидорининг соҳиби ҳам эди. У ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида ўзаро муносабатларнинг аниқравшан тизимини барпо этиши баробарида фаолиятини ривожлантирди ҳам. Масалан, Ўрта Шарқдан Хитойгача, Ҳиндистон шимолидан Россиягача чўзилган ўз империяси ҳудудида Амир Темур масофалари белгиланган йўллар ҳамда мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари ва отлар билан таъминланган карвонсаройлар бунёд этишга фармон берган эди. Вилоятлар мутасаддиларига карвонлар ҳаракатланишининг хавфсизлиги таъминланиши ҳамда босқинчиликдан жабр кўрган тижоратчилар молларини уч ҳисса қилиб тўлаш мажбурияти юкланган эди.

Темур котиблар, таржимонлар, ҳуқуқшунослари бўлган муҳим ва самарали бошқариш тизимини амалиётга киритди. Хатлар рақам билан рўйхатга олинар ва таснифланарди. Қачонлардир Руи Гонсалес де Клавихо бу ҳақда завқ-шавқ билан ёзган эди. Темур таъсис этган сайёр судларда ўғирлик ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилишда гумон қилинганларнинг даражаси ва бойлиги эътиборга олинмаган, бундай ишлар жуда жиддий кўриб чиқилган. Ўта оғир жиноятлар кўриладиган суд мажлисларида унинг ўзи иштирок этган.

Темур қўшни мамлакатлар билан савдони ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш йўли билан ўз салтанати фаровонлиги ва қудратини мустаҳкамлаган. Шарқ билан Ғарбни боғловчи барча йўллар давлат томонидан қаттиқ назорат қилинган ва уларнинг хавфсизлиги тўла таъминланган.

Амир Темур янги қишлоқ хўжалиги маданиятини ривожлантириш, жумладан, зиғир ва пахта етиштириш, ёқут ва лаъл конларини қайта ишлаш мақсадида энг яхши мутахассисларни таклиф этган.

Темур ўз юришларида энг яхши меъмор ва усталарни Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзда масжидлар, мадрасалар, улуғвор сарой ва кутубхоналар (уларнинг айримлари бугунги кунгача сақланиб қолган) қурдириш учун танлаб олган. Юришлар оралиғидаги танаффусларда қурилиш ишлари билан унинг шахсан ўзи шуғулланган. Темур қишлоқ хўжалиги учун суғориш каналлари ва суньий сув омборлари қурилишига бош-қош бўлган. У илмий мактаб яратиш учун кўпгина мамлакатлардан етакчи олим, мусаввир ва мусиқачиларни Самарқандга таклиф этган. Унинг невараси Улуғбек бу ерда математика ва астрономия бўйича жуда пухта илм олишга муваффақ бўлган.

Темурнинг бағрикенглик ва диний эътиқод борасидаги эркинлиги давлат ҳудудида яшаган христиан ҳамда яҳудийларнинг ўз динларига бемалол амал қилиш имкониятини яратган. У ўз давлати манфаатларидан келиб чиқиб, Ўрта ер денгизи монархлари – Франция, Византия, Кастилия, Венеция ва Генуя билан иттифоққа кирган. Тарихий қўлёзма ҳужжатлари Темурнинг Кастилия элчиси Клавихони катта иззат-икром билан қабул қилганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бир оз вақт ўтиб, у Франция қироли Карл VI га ҳақиқий христиан епископи бўлган ўз элчисини юборади. Амир Темурнинг Франция қиролига битган мактуби ниҳоясида ёзилган қуйидаги сўзлар унинг ўткир ақл соҳиби эканлигидан далолат беради:

«... Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сизнинг тижоратчиларингиз бизнинг ўлкамизга юборилса эди, биз уларни илиқ қаршилар эдик ва бизнинг савдогарларимизга ҳам ўз юртингизда ана шундай ҳурмат кўргузилсаким, бинобарин, бу дунё маъмурлиги ва тўкинлиги савдо аҳли бирлан эканлиги баҳс талаб этмайдиган айни ҳақиқатдур».

Амир Темур жаҳон цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган афсонавий шахс бўлиб қолади. Биз яхши биламизки, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ республика Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг буюк аждодлари кўп асрлар давомида шакллантирган бебаҳо маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш ишини давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади.

Амир Темур ҳам ана шундай буюк бобокалондир. Ўнлаб йиллар давомидаги тақиқлардан сўнг бугунги Ўзбекистонда Амир Темур ва унинг буюк давлати ҳақидаги барча ҳақиқатни авлодларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш йўлида қилинаётган улкан ишлар мен учун алоҳида қувонарлики, бу тарих ва маданиятни ўрганиш ҳамда англашга мен ўзимнинг бутун умримни бахшида этдим».

«Жаҳон» АА.
Париж.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

олиш учун корхонага бориб ишлаш шарт эмас

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ўтган йилги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори аҳолини, айниқса, қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган кишиларни уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш учун иш берувчиларга имконият яратишда муҳим омил бўлди.

— Сарсон бўлмайдилар, — дейди Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ойбек Эгамов. — Касаначиликка жалб қилинган ҳар бир шахс учун алоҳида меҳнат дафтарчаси очилади ва ўша корхонада ишловчи ишчилар қатори улар ҳам барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Умуман, юқоридаги ҳужжатлар асосида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Шунга мувофиқ, туман ва шаҳар ҳокимликларида касаначилик асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни мувофиқлаштириш бўйича ишчи комиссиялари тузилган. Ўтган йили ушбу соҳани ривожлантириш ҳисобига 5189 та ишчи ўринлари яратилди. Айни пайтда касаначилик йўналишида доимий мониторинг ўрнатилган. Касаначиларимиз томонидан охирги бир ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 360 млн. сўмликни ташкил этади. Фармон ва қарорда берилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳисобига йирик саноат корхоналарида 24.3 млн. сўм маблағ иқтисод қилиб қолиниши кутилмоқда. Масалан, Марҳамат туманидаги «Электротехника» ҳиссадорлик жамияти томонидан 70 нафар касаначи меҳнат шартномаси асосида тикувчилик ва пластик деталларни тозалаш йўналиши бўйича ишга жалб этилиб, қисқа муддатда иш ҳақи ҳамда ижтимоий тўловлардан берилган имтиёз ҳисобига корхона 610 минг сўм маблағ иқтисод қилди. Умуман айтганда, одамлар йирик корхоналарнинг чинакам дастёрига айланишмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги умумий касаначиларнинг 85 фоизи тикувчилик, тўқувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Қолган қисми эса саноат корхоналарига бутловчи қисмлар етказиб бериш, слесарлик ишлари, спорт товарлари (копток, волейбол ва футбол тўрлари) тайёрлаш, электр жиҳозларини йиғиш, целлофан қоплар тикиш каби юмушлар билан машғул.

— Андижон — ҳунармандлар шаҳри, — дейди бошқарма мутахассисларидан бири Иброҳимжон Меҳмонов. — Шу туфайли уларни ҳам касаначилик ҳаракатига кенг жалб қилаяпмиз. Дейлик, ҳунарманд ўзи ишласа, маҳсулотини бозорга олиб чиқиши, харидор кутиб вақт ўтказиши керак бўлади. Ҳозир эса улар бозорга ҳам чиқмайди, маркетинг билан ҳам қизиқиб ўтирмайди, бунинг ўрнига кўпроқ сифатли, бозоргир маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланади.

— Бу ҳолатда иккала томоннинг манфаатларини қандай изоҳлаш мумкин? — сўраймиз ундан.

— Завод ёки корхона шунча иш ва ишчи учун анчамунча электр энергияси сарфлаш, уларга коржомалар бериш, транспорт харажати ва бошқа ташвишлардан халос бўлади. Касаначи эса эртадан кечгача уйда — фарзандларининг ёнида бўлиб, уларни ўз вақтида овқатлантиради, дарс тайёрлаттиради, керак бўлса, уларга ҳунар ўргатади. Иш ва ўқиш билан банд бўлган бола ёмон йўлга кириб кетмайди. Ҳатто касаначи декрет таътилига чиқиб кетса ҳам корхона томонидан она ва болага дахлдор барча турдаги тўловлар тўлаб борилади. Булар эса пул билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятлардир.

Касаначилик

— Демак, касаначилик халқимизнинг қадимий қадриятларига мос келаркан-да?

— Бўлмасам-чи? Биз дастлабки олти ойда ташвиқот ишлари билан ҳам шуғулландик. Касаначиликнинг тарихи, унинг моҳияти хусусидаги фикрларни халққа етказишда барча раҳбарлар қатнашди.

Андижон шаҳридаги «Тожметалл» акциядорлик жамияти пахта саноати учун ускуна ва дастгоҳлар тайёрлайди. Жамият аъзолари республикадаги 129 та пахта заводига дастгоҳлар етказиб беради. Корхона кадрлар бўлими бошлиғи Садриддин Маматхўжаев 71 нафар касаначининг ҳар бири билан тузилган шартномани ҳам, уларга очилган меҳнат дафтарчаларини ҳам, касаначиларнинг меҳнат хавфсизлиги кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномани ҳам бирма-бир кўрсатди. Касаначиларнинг аксарияти корхона рўпарасидаги оилавий ишчилар ётоқхонасида туришар экан. Биз ётоқхонада касаначи Дилфузахон Муллабоеванинг ўз хонасида қизи билан дастгоҳ ёнида ишлаётганини кўрдик. Айтишларича, улар чигитни туксизлантирадиган машина учун симли чўткалар тайёрлашар экан. Сим ҳам, мўъжазгина дастгоҳ ҳам заводники, она-бола эса уларни чаққонлик билан бошқаришмоқда. Ишимизнинг кўламига қараб ойига камида 70-80 минг сўмдан маош олаяпмиз, дейди Дилфузахон. Корхона чилангари Усмонжон Холиқовни ўз велосипедига бир боғлам сим ортиб кетаётганида учратдик.

— Турмуш ўртоғим Мавлуда Дадажонова ҳам касаначи, — дейди у. — Уч нафар фарзандим билан симчўткалар тўқийди. Рўзғоримизнинг бир томонини кўтариб туради.

Корхонада биргина ўтган йилнинг тўртинчи чорагида касаначилар томонидан 49 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Уларга белгиланган имтиёзлар асосида бир ойда 481 минг сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинди. Шунингдек, ишлаб чиқаришни уй шароитида ташкил этиш ҳисобига электр энергия ва бошқа коммунал тўловлардан 250 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, иш билан бандликни таъминлаш аҳолининг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий шартларидан биридир. Корхонада амалга оширилаётган бугунги эзгу ишлар ана шу йўлдаги дадил одимлардан биридир.

Эсиргап БОЛИЕВ.

Халқаро анжуман

12-18 апрель кунлари Тошкент ҳайвонот боғида Евросиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг халқаро анжумани бўлиб ўтади.

Хабарингиз бор, Тошкент ҳайвонот боғи Марказий Осиёдаги энг қадимий ҳайвонот боғларидан бири ҳисобланади. У 1924 йилда Ўрта Осиё Давлат университети биологларининг ташаббуси билан ташкил этилган.

2000 йилдан буён Тошкент ҳайвонот боғи Евросиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда ҳайвонот боғида жониворларнинг 439 тури мавжуд.

Ҳайвонот боғи мутахассислари илмий тадқиқотлар олиб бораётганлиги ва бу борада ютуқларга эришганлиги боис Евросиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг анжуманини пойтахтимиз ҳайвонот боғида ўтказишга қарор қилинди. Тадбирда жониворларни сақлаш, парваришлаш, қирилиб кетаётган ҳайвонот турларини кўпайтириш масалалари муҳокама этилади.

Анжуманда Европа ва Осиёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари, жумладан, Германия, Венгрия, Руминия, Беларусь, Чехия, Словакия, Украина, Россия, Молдова ва бошқа мамлакатлар ҳайвонот боғлари ходимлари иштирок этадилар.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон — саноати ривожланган мамлакат

ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ

мамлакатимиз кимё саноатида яна бир янги саҳифа очди

Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши йил якунларига бағишланган ҳукумат мажлисида 2006 йилда юртимизда амалга оширилган оламшумул ютуқлар қатори тилга олинди.

Кўзимизнинг қорачиғи каби азиз истиқлолимизнинг ўн бешинчи йили наинки қишлоқ хўжалиги, ёқилғи-энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, автомобиль, енгил индустрия, балки мустақил мамлакатимиз макроиқтисодиётининг таянч тармоқларидан бири — кимё саноати учун ҳам янгиланиш даври бўлди. Айнан 2006 йилда Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи илк маҳсулотини жаҳон бозорига чиқарди. Ўзбек пахтаси, ўзбек олтини, ўзбек табиий гази, ўзбек ҳаво лайнери, ўзбек автомобили билан бирга, ўзбек кальцийли содаси ҳам ўз харидорини топиши ғуруримизга-ғурур, қудратимизга-қудрат қўшди. Бу амалда муҳтарам Президентимизнинг «Биз ҳеч кимга қарам бўлмаймиз, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган сўзларининг яна бир ёркин ифодасидир.

Маълумки, сода, яъни натрий карбонатларнинг умумлашган техник мажмуаси жаҳон саноатининг ўнлаб соҳаларида, хусусан, металлургия, шиша ишлаб чиқариш, совун ва целлюлоза пишириш, нефть маҳсулотларини тозалаш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва тиббиётда энг муҳим хомашё ҳисобланади. Айниқса, Қўнғирот заводида ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги соданинг энг асосийси бўлмиш кальцийли сода — рангсиз кристалл модда бўлиб, зичлиги 2530 килограмм-кубометр, суюқланиши эса 858 даражадан иборат. Содани саноат усулида олишда ош тузи асосий хомашё саналиб, Қўнғирот заминида унинг конлари бисёр.

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг, энг аввало, иқтисодий ноқарамлик йўлини танлади. Нефть ва ғалла мустақиллигига қаратилган саъй-ҳаракатлар баробарида ўзимизда мавжуд бўлган ноёб имкониятлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга кўрсатаётган ғамхўрлиги Оролбўйи ҳудуди равнақида қадамбақадам самара бераётир.

Хабарингиз бўлса, Президент Ислом Каримов Қорақалпоғистондаги мавжуд вазиятни унинг макроиқтисодиётини мустаҳкамлаш орқали ўнглаш мақсадида 1995 йилнинг 2 мартида Қўнғирот сода заводини барпо этиш тўғрисидаги тарихий қарорга имзо чеккан эди. Ушбу қарорга кўра, корхона қурилиши учун бир пайтлари Буюк Ипак йўли ўтган, табиатнинг беқиёс гўзал жониворлари — кийиклар қўналға тутган макон танланди. Шахсан Юртбошимиз кўрсатмаси билан рамзий қозиқ «Қўнғирот — Бейнов» қитъаларо йўли ёқасига қоқилди. Ва, албатта, йирик қурилишлар солномасида биринчи марта саноат гигантидан аввал Кийиксойда 4 минг нафар аҳолига мўлжалланган гўзал шаҳарчанинг тамал тоши қўйилди. Бугун эса ана шу шаҳар — Элобод мустақил мамлакатимизнинг энг кенжа, энг чиройли шаҳарчаси ҳисобланади. Бу ердаги боғ ва хиёбонлар, гулзорлар, равон, кенг кўчалар, меъморчиликнинг энг сўнгги андозалари асосида қад тиклаган бинолар дунёнинг талабчан сайёҳининг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Зеро, шаҳарчага ном бериш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Абдулла Орипов ёзганидек, «Юртимизда осмонўпар тоғлар ҳам, чексизчегарасиз саҳролар ҳам, айқирган дарёлар ҳам — барча-барчаси мавжуддир. Айниқса, бу олмос қирраларни ўз кўзинг билан қайта-қайта кўрганингда, меҳринг яна бўлакча товланиб кетади. Худди ўша манзилларда, яъни Устюрт супаси устида туриб, пастда ястаниб ётган уфқларга қадар чўзилган кенгликларга боққанимда, кўзимга Тожмаҳал кўрингандек бўлиб кетди...»

Завод технологик қисмининг қурилиши ҳамда жиҳозланишини бу борада катта тажриба тўплаган фирма — Хитой Халқ Республикасининг «СИТИК» компанияси амалга оширди. Бу босқичга 35 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, барча жараёнлар тўлиқ бажарилди. Шунингдек, Элободда Тошкент кимё-технология институтининг филиали очилгани эса гигант корхонани муҳандис-техниклар билан таъминлашда айни муддао бўлмоқда.

Ўн йилдан кўпроқ давом этган зарбдор меҳнат ўз ниҳоясига етди. Мамлакатимиз пойтахти, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистоннинг ўзидан ўнлаб пудратчи, монтажчи ташкилотлар, минглаб ишчилар мамлакатимизнинг, миллатимизнинг яна бир ғурури ҳисобланган улкан бунёдкорлик ишига муносиб улуш қўшдилар.

— 2006 йилда сода заводида 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди Қўнғирот тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парахат Қалимбетов. — Кимё саноатининг ушбу гиганти тўла қувват билан ишлай бошлагач, у нафақат туманимиз ва Қорақалпоғистон Республикаси, балки мустақил мамлакатимиз учун катта даромад келтиради, Устюрт ҳудудининг истиқболи учун кенг йўл очиб беради!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНК МИЖОЗ УЧУН

Пойтахтдаги Молиявий хизматлар банкларо маркази биносининг мажлислар залида республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири — акциядорлик тижорат "Пахтабанк"и акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидландики, бугунги кунда 78 мингдан зиёд ўз акциядорларига эга ушбу банк 13 та вилоят бошқармаси, 186 та филиали ва салкам 700 та мини банки орқали 180 мингдан зиёд юридик шахслар ва 250 мингга яқин жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Якунланган 2006 йил, айтиш мумкинки, "Пахтабанк" учун барқарор ўсиш даври бўлди. Асосий стратегик йўналишлар — бюджет сиёсатини такомиллаштириш, банкни капиталлаштириш, кредит ресурсларини иқтисодиётнинг реал сектори ва базавий тармоқларига йўналтириш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисобот тизимини мустаҳкамлаш, инвестиция сиёсатини фаоллаштириш, кредиторлар ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, чет эл капиталини жалб қилиш, банкнинг рақобатбардошлигини ошириш, юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантириш, хизмат турларини кўпайтириш каби йўналишларда олиб борилган ишлар бунинг муҳим омиллари бўлди. Айниқса, банкнинг капитал базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кўпайтириш, инвестицион жараёнларнинг асосий бўғинига айланган ҳолда, мижозларнинг ҳақиқий ҳамкори сифатида фаолият

Сарҳисоб

юритиш борасидаги саъй-ҳаракатлар акциядорлар томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада банкнинг жамланма капитали 66,2 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 7,7 млрд. сўмга ёки 13,2 фоизга кўпайди. Иқтисодиёт тармоқларига жами берилган кредитлар миқдори 614,3 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан 351,1 миллиард сўм кредит ажратилди. 15 млрд. 538 млн. сўмлик 1378 та объект эса лизингга берилди.

Ҳисобот йилида, шунингдек, банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари кескин даражада фаоллашди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан мазкур субъектларнинг 14264 та лойиҳаси бўйича берилган кредитлар миқдори 28 млрд. 235 млн. сўмни ташкил этгани шундан далолат беради. Ана шу кредитлар эвазига 21467 та янги иш ўрни яратилиб, 16 млрд. 584 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Айни чоғда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича халқаро молия муассасаларининг кредит линияларини ўзлаштириш масаласи ҳам диққат марказида турди. Ушбу кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 68 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди.

Йиғилиш иштирокчилари 2006 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси "Ахбор-Рейтинг" банкларо рейтинг компанияси томонидан ўтказилган рейтинг натижаларига кўра, "Пахтабанк" мамлакатимизнинг тижорат банклари орасида юқори кўрсаткичга эришаётгани қайд этилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда жорий йилда "Пахтабанк"ни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.



Ҳурматли ишқат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ эгаларига, тадбиркорлар!

«ОКСИГУМАТ»

ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озиқланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янгилик!

Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.

- ҳосилдорликни оширади,
- маҳсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озиқланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқишини камайтиради.

«ОКСИГУМАТ» қўшимча ҳосилни таъминлайди.

Бодринг	—	30 - 40 %
Буғдой	—	35 - 40 %
Гуллар	—	13 - 25 %
Дуккакли экинлар	—	60 - 80 %
Картошка	—	40 - 50 %
Кунгабоқар	—	50 - 70 %
Лавлаги	—	35 - 40 %
Маккажўхори	—	40 - 60 %
Пахта	—	50 - 70 %
Пиёз	—	30 - 40 %
Полиз экинлари	—	50 - 60 %
Помидор	—	25 - 30 %
Сули	—	20 - 40 %
Шоли	—	70-90 %

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган. ГУВОҲНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси
Манзил: Тошкент ш. F.Мавлонов к., 52/2 уй.
Тел.: 135-87-05, 449-30-84,
135-53-15 (кечкурун), 330-13-44.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Италияликлар ўлим жазосига қарши

Минглаб италияликлар бутун Ер сайёрасида ўлим жазосининг бекор қилинишини талаб қилиб, Римга намойиш ўтказиш учун йиғилдилар. Намойишларда мамлакатнинг кўзга кўринган сиёсатчилари ҳам қатнашмоқда. Италиянинг собиқ президенти Франческо Коссига, Рим мэри Вальтер Вельтрони ва радикал кайфиятдаги партия намоёндалари оддий фуқаро сифатида мазкур тинч акцияда иштирок этаяптилар. Митинг иштирокчилари Рим мэрияси ёнидан Венеция майдонигача намойиш ўтказишни режалаштирган.

Мамлакат бош вазири Романо Проди ҳам мазкур тинч намойишни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Реклама қилганга автомобиль

Германиянинг «BMV» концерни янги русумдаги «Х5» автомобилининг Россиядаги рекламасига дунёдаги 30 нафар машҳур шахсни жалб этмоқчи. Ҳозирда мазкур автомобилнинг баҳоси 100 минг евро атрофида баҳоланаяпти.

Реклама роликлари синовларига миллиардер тадбиркорлар ҳам таклиф этилган. Улар орасида «ТНК-ВР» компанияси ижрочи директори Герман Хан ва «Новатэка» раҳбари Леонид Михельсонлар бор. Манбада айтилишича, рекламада иштирок этганларга «Х5» атомобили маълум имтиёз ва чегирма қилиниб сотилади.

Дунё ёнилғи бозорларида бироз вақт давом этган барқарорликдан сўнг нефть нархи яна кўтарила бошлади.

«Қора олтин»нинг баҳоси қанча?

Жаҳон биржаларида бир баррель «Brent» маркали «қора олтин»нинг баҳоси салкам 2 фоизга ошиб, 70,74 долларга етди. Иқтисодий таҳлилчилар нефть нархининг ошишига дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар, хусусан, Эрон томонидан 15 нафар Буюк британиялик ҳарбий денгизчиларнинг қўлга олиниши (кейинчалик улар озод этилди) ва бунинг орқасидан юзага келган сиёсий танглик сабаб дея изоҳлашмоқда.

Томонлар келишуви

Исроил ва Фаластин томони капрал Гилад Шалит қайтарилиши эвазига фаластинлик маҳбусларнинг қанчаси озод қилиниши юзасидан узил-кесил бир қарорга келишди. Бу ҳақда Фаластин ҳукумати матбуот котиби Гази Ҳамад журналистларга маълум қилди. Унинг билдиришича, Миср воситачилигида фаластинлик маҳбуслар рўйхати Исроил ҳукуматига етказилган.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 20 ёшли капралнинг озод этилиши икки томон муносабатларининг яхшиланишида асосий омил бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Гилад Шалит ўтган йил июнь ойида фаластинликлар томонидан гаровга олинганди. Бунга жавобан Исроил Ғазо секторида кенг кўламли ҳарбий амалиётларни бошлаб юборганди. Бунинг натижасида 500 нафар одам ҳаётдан кўз юмди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИГИ «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ ЮҚОРИ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН «SHARQ» ВА «REGISTON» ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАРИДА САЙЁҲЛИК ТУРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



Йўл давомида сайёҳларга керакли сервис хизматлари кўрсатилади, ичимликлар, енгил нонушта таклиф этилиб, қўшимча хизматлар тавсия этилади. Биринчи класс вагонида йўловчилар видеофильм ва видеоклиплар томоша қилишлари, иккинчи класс йўловчилари эса мусиқа ва FM радиосини тинглаб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Манзилга етиб борганингизда сизларни кутиб олган юқори малакали гидлар қулай автобусларда тарихий обидалар бўйлаб унутилмас экскурсиялар уюштирадилар.

Шунингдек, сиз миллий таомлардан баҳраманд бўласиз, ёдгорлик совғалари харид қилиб, мароқли ҳордиқ чиқарасиз.

Ўз ходимларини ажойиб дам олиш сафарига юбормоқчи бўлган ташкилот раҳбарлари учун бизнинг агентлигимиз Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича туристик поезд ташкил этиши мумкин.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., Мовароуннаҳр к., 51-уй (Мўлжал — «Темирйўл кассалари», Темирйўлчилар саройи қаршисида).

Тел/факс: 199-71-83, тел.:199-71-66, 136-46-18.
E-mail:rizjdtur@rambler.ru uzjeldpass@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Қоражийда ҚФЙ, Қораянтоқ қишлоғида жойлашган

«БАҲРОМЖОН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

вилоят хўжалик судининг 2007 йил 26 мартдаги 15-07-02/1639-сонли ҳал қилув қарорига асосан соддалаштирилган тамойил асосида банкрот деб эътироф этилиб, унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш кўзғатилганлиги сабабли даъволар 1 ой мобайнида Бешариқ тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида ДСИ ходими К.Абдусаматов томонидан эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Фирманинг муҳри ва штампи бекор қилинади.

Бешариқ тумани, Давлат солиқ инспекцияси манзили: Бешариқ тумани, «Олтин водий» кўчаси, тел.: 61-22-209, 61-22-217.

ЕТАКЧИ ЧЕТ ЭЛ ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯСИ

ЎЗИНИНГ САМАРАЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ИНТИЛУВЧАН, ҒАЙРАТЛИ, ЎЗ СОҲАСИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАГАН МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Номзодлар олий фармацевтик ёки тиббий маълумотга эга бўлиб, бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Ўз анкеталарингизни 2007 йил 15 апрелгача excel@nabiqasim.com ёки nabiqasim@rambler.ru электрон почталари орқали юборинг.

Ваколатхонанинг Тошкентдаги манзили: Бобур кўчаси, 20-уй, 213-хона. Тел./факс: 362-20-16.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

UAZ Hunter

UAZ Patriot Comfort

UAZ Patriot Classic
UAZ Patriot Limited

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ 39094.

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Халқимиз «Устоз отангдай улуғ», деб бежизга айтмайди. Худо юқтирган бўлсагина, одам устозлик мақомига кўтарилади. Шогирдликни ҳам ҳамма уддалайвермайди. Устоз ва шогирдлик икки кишининг узоқ давом этадиган руҳий-маънавий, ақлий-эътиқодий баҳси, мураккаб синовлардан ўтиши. Ҳеч қачон тайёр шогирд бўлмаганидай, интилувчи ёшга юрагини очиб берадиган, тажриба-билимларини Хизрдай инъом этадиган устоз ҳам бўлмайди.

Абдулла Қаҳҳор қаттиққўл устоз бўлган. У шогирдлари асарларини синчков таҳлил, талқин қилган. Маъруф Ҳакимнинг «Ҳаёт қўшиғи», Саидаҳмад Ҳусанхўжаевнинг «Тортиқ» тўпламларини шундай таҳлил қилдики, бундай танқидга унча-бунча шогирднинг тоқат қилиши амри маҳол эди. Ажабки, унинг аёвсиз, лекин ҳаққоний талқинларига ёзувчилар кўникдилар. Бора-бора ижодкорларда: «Асаримни Абдулла Қаҳҳор ўқийди», деган битилмаган қоида пайдо бўлди. Қаттиққўл устоз истеъдод билан ёзилган асарлар муаллифларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовлар Абдулла Қаҳҳор меҳрини қозонган ижодкорлардир. Устознинг мана бу ихчам таърифида чўнг монография чўғи бор: «Шоир Мамарасул Бобоев жисмоний жиҳатдан бўйи паст бўлса ҳам, поэзиямизда жуда баланд ва хушқомат шоир».

Абдулла Қаҳҳор Саид Аҳмад ҳикояларини қарийб чорак аср аёвсиз танқид чиғириғидан ўтказди. Ниҳоят, «Уфқ» трилогиясига бир варақка етар-етмас тақриз ёзди: «Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётибди».

Устоз устозликни фақат ижод соҳасида деб англамади. Одамийлиги, тантилиги, қатъиятлилиги билан ҳам шогирдлари қалбидан жой олди. 1962 йилда Озод Шарафиддинов бошига иш тушди. Шунда у ўз номи, обрўсини кафилликка қўйиб, шогирдини асраб қолди. Бу воқеа ёшлигида ота меҳридан бебаҳра қолган Озод ака учун бебаҳо мурувват бўлди. Шунингдек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов осмонида қора булутлар қуюқлашиб қолганида, ҳар иккисининг тўртлигини «Ўтмишдан эртаклар» ва «Маҳалла» асарларига эпиграф қилиб олди.

XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек адабиёти ривожи тезлаша бошлади. Шу боис янги асарларни муносиб талқин, таҳлил қилиб, холис баҳолайдиган танқидчиларни қўллаб-қувватлаш жоиз эди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов сингари танқидчилар ижоди унинг эътиборини тортди. Устоз танқидчи шогирдлар танлашда янглишмаган эди. Айниқса, Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновлар умрларининг охиригача баракали ижод қилдилар. М.Қўшжоновнинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ижоди, характер, сюжет, композиция муаммоси ҳақидаги тадқиқотлари ўзбек танқидчилигининг сара асарларидан бўлиб қолаверади. Озод Шарафиддинов Чўлпон, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Зулфия, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Абдулла Қаҳҳор сингари ўзбек ёзувчилари ижоди ҳақида бақувват асарлар ёзди. У жаҳон адабиёти, унинг намояндалари асарларини ўзбекчага ўгирди, талқин-таҳлил қилди. Тўғри, энг истеъдодли танқидчи, ёзувчи ҳам осий банда: у баъзан замонасозлик қилган, бўшроқ асарни мақтаб қўйган бўлиши мумкин. Лекин О. Шарафиддинов ва М. Қўшжоновлар ижодида етук асарларни чуқур талқин, ожиз асарларни билиб-билиб танқид қилиш етакчи ҳисобланади. Ҳар икки олимнинг «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар», «Ўзбекнинг ўзлиги», «Ойбек маҳорати» сингари асарлари танқидчиликда узоқ умр кўради, устоз Абдулла Қаҳҳор талабчанлигини мудом эслатиб туради.

Умарали Норматов А.Қаҳҳор шогирди эканлигини ҳануз билдириб турибди. Унинг «Қаҳҳорни англаш машаққати», «Ёшлар билан суҳбат», каби асарлари китобхонлар диққатини жалб этмоқда.

Абдулла Қаҳҳор ўз шогирдлари билан дўст, ҳамфикр бўлиб кетган эди. Устоз хонадонида шогирдлар ўз рафиқалари билан йиғилишиб турардилар. Кибриё опа устоз-шогирдларни ўзаро яқинлаштирар эди. Озод Шарафиддинов «Кибриё опанинг ҳолваси» эссесида устознинг оилавий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотларни беради. Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Носир Фозилов, Умарали Норматов, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурийлар устоз хонадонидаги дилкаш суҳбат, воқеалардан китобхонни воқиф қилганлар. Озод ака бир куни тортинибгина:

— Абдулла ака, сизни, Кибриё опамни уйга чорлай дейману сира ботина олмайман, — дебди.

— Сиз аввал таклиф қилинг-чи, кейин нима бўлишини биласиз, — дебди устоз ҳам ўша заҳоти.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек халқининг қалами ўткир ижодкори эди. Унинг шогирдлари ўз издошларини устоз руҳида тарбиялашга интилдилар. Устоз бошлаб берган анъана давом этмоқда.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари доктори.

ТАНСИҚ ТАОМ, АММО...

Ҳаётда тасодифлар кўп учрайди. Баъзилари кишига омад келтирса, баъзилари кўнгилсизлик билан тугайди. Мана, бир мисол.

Пастдарғомлик В.Ҳожиев ўша куни яхши ташаббусга бош-қош бўлди. Етти нафар қариндошини ўзининг Боғибаланд қишлоғидаги дала ҳовлисига ҳордиқ чиқариш учун таклиф қилди. Тан олиш керак, уч-тўрт кунлик ёмғирдан сўнг яшнаб кетган табиат қўйнидаги сайр ҳам, зиёфат ҳам кўнгилли ўтди. Меҳмонларга, айниқса, ён-атрофдан териб келтирилган қўзиқоринданг тайёрланган таом хуш ёқди. Аммо, орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас, уларнинг аҳволи руҳиясида алланечук ўзгаришлар сезилди. Кимнинг-дир кўзидан ёш оқиб, бошқа бировининг томир уриши сустлаша ва аъзои бадани тириша бошлади. Охир-оқибат барчаси бараварига шошилинч равишда шифохонага ётқизилди. Касаллик ташхислари ҳам бир хил бўлди: "Қўзиқориндан заҳарланиш"...

Дарвоқе, яширишнинг ҳожати йўқ, бунақа фавқулодда ҳодисалар кўклам кезлари, онда-сонда бўлса-да, рўй бериб туради. Ҳатто, гоҳида фожиали якун топади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг овқатланиш гигиенаси бўлинмаси мудири Абдуҳаким СОТВОЛДИЕВ билан суҳбатимиз ана шундай нохушликларнинг туб сабаблари ва оқибатлари хусусида бўлди.

— Қўзиқориндан заҳарланиш қандай хасталикларни келтириб чиқаради?

— Наботот дунёсидан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида фойдаланиш йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўз навбатида, ўсимликлар орасида инсон организмига наф келтирадиган ноз-неъматлар билан бир қаторда, саломатликка путур етказадиган егуликлар ҳам борлиги илмий нуқтаи назардан исботланган. Баҳорги ёғингарчилик кўпайган пайтларда юлдуздек бодраб чиқадиган мухомор, қурбақасалла номли туссиз замбуруғ, лепиота никорниата, заҳарли оқ қўзиқоринлар ана шулар жумласидандир. Улар асосан қир-адирларда, майсазорлар ва ариқлар бўйида ёввойи ҳолда ўсади. Таркибидаги оғули унсурлар термик ишлов берилганида, қайнатилганда ёки қовурилганда ҳам парчаланмайди ва салбий таъсир кучини йўқотмайди. Истеъмол қилинганида инсон жисмини оғир даражада заҳарлайди. Марказий асаб тизими, жигар, буйрак ва бошқа шунга ўхшаш ички аъзолар фаолиятини ишдан чиқаради. Вақтида тезкор муолажа чоралари кўрилмаса, аянчли оқибатларга олиб келади.

— Бу касаллик аломатлари қай жиҳатлари билан ажралиб туради?

— Унинг клиник кўриниши қўзиқорин турига боғлиқ бўлади. Масалан, қизил мухомор таркибида мускарин ва мускаридин алкалоидлари мавжуд. Одам бу қўзиқоринни тановул қилгач, бир-бир ярим, баъзан икки-уч соатдан сўнг асаб тизимида ўзгариш рўй бериши заҳарланганликдан далолат беради. Шу жараёнда кўп терлаш, томир уришининг сустлашиши, алаҳлаш (галлюцинация), тиришиш ҳолатлари кузатилади. Булардан ташқари, мускаридин алкалоиди таъсирида беморнинг кўз қорачиқлари кенгаяди, мускарин таъсирида эса, аксинча, тораяди.

— Қўзиқориндан заҳарланмаслик учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Аввало, "Дардни даволашдан кўра олдини олган маъқул" деган ақидага амал қилиш, истеъмолга яроқли ва яроқсиз қўзиқоринларни бир-биридан аниқ фарқлай билиш жоиз. Бундай қобилиятга эга бўлмаганлар ўз билгиларича қўзиқорин термасликлари ва ёввойи ҳолда ўсадиганларидан зинҳор-базинҳор озиқ-овқат ўрнида фойдаланмасликлари керак. Бу ўринда тажрибали қўзиқорин терувчилар маслаҳатига таяниш фойдадан холи бўлмайди. Иккинчидан, катта автомагистраллар бўйларида, кўча-кўйларда сотилаётган қўзиқоринларни олмаган маъқул. Деҳқон бозорлари ва савдо корхоналарида сотувга чиқарилганларини харид қилиш олдидан, албатта, гигиеник ва мувофиқлик сертификатларини кўрсатишни талаб этиш лозим. Ва ниҳоят, охирги маслаҳат: агар қўзиқорин егинингиздан сўнг лоҳасланиб, қорин бўшлиғида оғриқ сезсангиз, кўнглингиз айниб, қайт қилсангиз, кўриш қобилиятингиз ёмонлашса, вақтни бой берманг. Дарҳол тез тиббий ёрдам хизматига мурожаат этиб, бор гапни рўй-рост айтинг. Ушбу тавсияларга қатъий риоя қилсангиз, ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигининг дахлсизлигини таъминлаган бўласиз.

Бугунги кунда юртимизда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш баробарида қўзиқориндан заҳарланиш ҳолларининг олдини олиш борасида ҳам катта чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Саломатлик" ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари мутахассислари оммавий ахборот воситалари, радио-телевидение орқали мавзуга доир кўплаб чиқишлар қилмоқдалар. Шунингдек, бевосита одамлар даврасида суҳбат-мулоқотлар ўтказиб, санитария тарғибот ишларини узлуксиз давом эттирмоқдалар. Зеро, эл соғлиғи — юрт бойлигидир!

"Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Эҳтиёт — шарт!

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

КУРАШНИНГ ДОВРУҒИ

Макаода ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган 2-Осиё ўйинлари мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кураш халқаро ассоциацияси президенти К. Юсупов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

■ Маълумки, бу ўйинлар Осиё Олимпия кенгаши раҳбарлигида ўтказиб келинади. КХА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, Осиё Олимпия кенгаши хулосасига кўра, жорий йилнинг октябрь ойида Макаода ёпиқ иншоотларда бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинлари таркибига миллий спортимиз — кураш ҳам киритилди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган синхрон сузиш бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати якунланди. Унда спортчиларимизнинг маҳорати ва тажрибаси тобора ошиб бораётгани яна бир бор намоён бўлди.

СИНХРОН СУЗИШ:

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

■ Тадбирда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда хотин-қизларни спортга жалб этиш, жумладан, сув гимнастикасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда ўнлаб замонавий, яхши жиҳозланган спорт мажмуалари, сув ҳавзалари бунёд этилди. Барча вилоятларда Синхрон сузиш федерациясининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси сифатида спортчи қизларимиз синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. 2006 йилнинг ёзида Тошкентда бўлиб ўтган «Сув париси» халқаро турнирида қизларимиз кўплаб медалларга сазовор бўлгани бунинг ёркин далилидир.

Бу галги мамлакат чемпионати мусобақаларида юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан жами 75 нафар спортчи иштирок этди. Уч кун давом этган мусобақада 1989-91 йилларда туғилган спортчилар ўртасидаги яккалик — соло баҳсларида пойтахтлик Валентина Попова барча рақибаларини мағлубиятга учратган бўлса, дуэт беллашувларида эркин ва техник чиқиш бўйича ҳам пойтахтлик Валентина Попова ва Наталья Корнеева жуфтлиги биринчи ўринни банд қилди.

1992-1994 йилларда туғилган қизлар баҳсида барча медаллар тошкентлик спортчиларга насиб этди. Унда яккаликлар ўртасида Анастасия Рузметова зафар қучди. Умидли спортчи жуфтлик беллашувларида ҳам Динора Иброҳимова билан бирга шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қ. ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

"НЕФТЧИ" ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати 4-тур учрашувлари якунланди.

■ Турнинг марказий учрашувларидан бири пойтахтда "Пахтакор"—"Қизилқум" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шу кунгача турнир жадвалида карвонбошилик қилиб келаётган зарафшонлик футболчилар "Пахтакор" қаршилигини синдиролмадилар. Анвар Солиев, Александр Гейнрих, Темур Копадзе ва Эльдор Магдиевлар томонидан киритилган тўпларга меҳмонлар аъзоси Темур Исломов битта тўп билан (4:1) жавоб қайтарди, холос. "Нефтчи" Фарғонада "Вобкент"ни 4:0 ҳисобида доғда қолдириб, турнир жадвалида пешқадамликни қўлга киритди. Мавсумни муваффақиятли бошлаган "Қурувчи" ўз майдонида «Трактор»га 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Уч ўйиндан бери мағлубиятга учраб келаётган "Навбаҳор" ниҳоят сафарда "Шўртан"ни 2:1 ҳисобида енгди. "Самарқанд-Динамо" ҳам сафарда "Бухоро"ни 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Тўпаланг"—"Машъал" 0:1, "Насаф"—"Металлург" 3:1, "Андижон"—"Локомотив" 1:0.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АССОЦИАЦИЯ ПО СЕРТИФИКАЦИИ

"РУССКИЙ РЕГИСТР"

АККРЕДИТОВАН В УЗБЕКИСТАНЕ
свидетельство об аккредитации № UZ.AMT.04.MAI.006

СЕРТИФИКАЦИЯ СИСТЕМ МЕНЕДЖМЕНТА

ISO 9001 - Менеджмент качества
ISO 14001 - Экологический менеджмент
ISO 18001 - Профессиональное здоровье и безопасность
ISO 22000 - Безопасность пищевых продуктов

СП "РУССКИЙ РЕГИСТР - СРЕДНЯЯ АЗИЯ"
Тел. (99890) 346 56 76 Тел./факс 133 73 30
Ташкент, 1-переулок Асака, д 3
mail: rr_uz@mail.ru; uzbekistan@russregister.ru www.russregister.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Махсулот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

Фирма ўз материалларидан томларни рубероид ва битум билан ёпиб беради. Тўлов шакли — турлича. Телефон: 340-99-37.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси масъул ходим Олим Адилович Салиевга онаси **Розия Ирисматовна САЛИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Жиззах вилояти хўжалик суди раиси Камил Синдаровга онаси **Амирой СИНДАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси маъмурий-хўжалик бўлими иш юритувчиси Мухтабар Юлчиевага отаси **Шоабдураҳим ЮЛЧИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.10 23456